

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ДИҚҚАТ, ЯНГИ ҲУЖЖАТ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ — ИМПОРТЁРЛАР ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОЖХОНА ҲУДУДИГА БОЖ ТЎЛОВЛАРИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР ҚўЛЛАНГАН ҲОЛДА ОЛИБ КИРИЛАДИГАН ТОВАРЛАРНИНГ БОЖХОНА ҚИЙМАТИНИ ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ Тўғрисидаги Низомни ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2013 йил 27 майдаги 21 (573)-сон, 271-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ-1887-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Тадбиркорлик субъектлари — импортёрлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига бож тўловлари бўйича имтиёзлар қўлланган ҳолда олиб кириладиган товарларнинг божхона қийматини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси манфаатдор вазирликлар

ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,  
2013 йил 22 май  
139-сон.

4-бетда

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

ТАҚДИМ ЭТИЛАЁТГАН, ШУНИНГДЕК СЎНГГИ ПАЙТДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН БОШҚА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ТўЛИҚ МАТНИ БИЛАН [NORMA.UZ](http://NORMA.UZ) САЙТИДА ТАНИШИБ ЧИҚИШИНГИЗ МУМКИН.

### ЧЕТ ТИЛИДА ЭРКИН МУЛОҚОТ ҚИЛА ОЛИШ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 8.05.2013 йилдаги 124-сон қарори билан Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти «Чет тиллари бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар» тасдиқланди.

Ушбу стандарт 2013–2014 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич амалиётга жорий этилади. У умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим босқичининг асосий ўқув дастурларига мажбурий киритиладиган мавзулар тўпламини ўз ичига олган. Ўқув материали таълимнинг барча турларида узвийлик, узлуксизлик ва даврийликни таъминлайди.

Битирувчиларнинг чет тиллар бўйича тайёргарлик даражаларига қўйиладиган талаблар дескрипторлари «can do» мазмунида тасвирланган ҳамда керакли жойларда грамматика, лексика, фонетика ва орфография билан тўлдирилган. Халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида нутқ кўникма ва малакаларнинг дескрипторлари чет тилларни билишнинг умумевропа тизимига ўзаро боғлиқ ҳолда олинди.

Қарор Президентнинг 10.12.2012 йилдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-1875-сон қарорини бажариш юзасидан қабул қилинди.

### ИМПОРТ ТОВАРЛАРНИ МАРКИРОВКА ҚИЛИШ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗИММАСИДА

Вазирлар Маҳкамасининг 13.05.2013 йилдаги 127-сон қарори билан Ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан 2013 йил 1 июлдан бошлаб давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган импорт қилинадиган истеъмол товарларининг айрим турлари рўйхати тасдиқланди.

Фақат товарнинг бир қисми бўлган ва унинг қийматига кирувчи истеъмол упаковкисада (идишда) бевосита чакана савдога тушувчи товарлар мажбурий тартибда маркировка қилинади.

Ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан давлат тилида мажбурий тартибда маркировка қилинадиган:

2013 йил 1 июлгача «вақтинча сақлаш» божхона режимига жойлаштирилган ва 2013 йил 1 июлдан кейин эркин муомалага чиқарилган истеъмол товарлари давлат тилида маркировка қилинмасдан чакана савдо тармоғида 2014 йил 1 январгача сотилиши мумкин;

2013 йил 1 июлгача Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомалага чиқарилган истеъмол товарлари давлат тилида маркировка қилинмасдан ча-

кана савдо тармоғида 2014 йил 1 январгача сотилиши мумкин;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат тилида маркировка қилинган ва 2013 йил 1 июлгача Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомалага чиқарилган истеъмол товарлари давлат тилидаги ушбу маркировка билан чакана савдо тармоғида 2014 йил 1 январгача сотилиши мумкин.

Мазкур Қарор билан тасдиқланган Рўйхатга кўра мажбурий тартибда давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган, импорт қилинадиган истеъмол товарларининг айрим турлари маркировка қилинмасдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотилиши тақиқланди. Тақиқга риоя этилмаслиги ҳолларига, чоралар кўрилган ҳолда, савдо қоидаларини бузиш (ҳужжатлари мавжуд бўлмаган товарларни сотиш) сифатида қаралади. Шуни эслатиб ўтамизки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 166-моддасига мувофиқ бу товарларни мусодара этган ҳолда мансабдор шахсларга нисбатан ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солишга олиб келади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақдор содир этилган бўлса, – товарларни мусодара қилиб, ЭКИХнинг 10 бараваридан 15 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан мажбурий тартибда давлат тилида маркировка қилишга доир талаблар аҳолига сотиш учун мўлжалланмаган ҳамда:

юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун олиб кириладиган ва ишлаб чиқариш ёки бошқа тижорат фаолияти учун мўлжалланмаган истеъмол товарларига;

хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ва консуллик ваколатхоналари, халқаро ва Ҳукуматлараро ташкилотлар, хорижий



давлатларнинг ушбу ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар томонидан расмий тарзда (хизмат доирасида) фойдаланиш учун, шунингдек уларнинг ходимлари учун олиб кириладиган истеъмол товарларига;

кўргазма намуналари, синовлар, тадқиқотлар ва маркетинг учун намуна сифатида олиб кириладиган истеъмол товарларига татбиқ этилмайди.

Истеъмол идишига қўйиладиган маркировкада маркировка қилинадиган товар тўғрисида куйидаги тусдаги маълумотлар бўлиши керак:

асосий истеъмол хусусиятлари, шу жумладан ўзига хос хусусиятлар рўйхати;

товарларнинг айрим турлари ишлаб чиқарилган сана;

товарларнинг айрим турларини ишлаб чиқарувчининг (бажарувчининг) кафолат мажбуриятлари;

товарларнинг айрим турларидан самарали ва хавфсиз тарзда фойдаланиш қоидалари ва шартлари;

товарни ишлатиш (унинг яроқлилиги) муддати ҳамда истеъмолчининг ушбу муддат тугагандан кейинги зарур хатти-ҳаракатлари, шунингдек кўрсатиб ўтилган хатти-ҳаракатлар бажарилмаган тақдирда юзага келиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисидаги маълумотлар;

ишлаб чиқарувчининг (бажарувчи, сотувчининг) ва истеъмолчидан даъволарни қабул қилиш юзасидан улар томонидан ваколат берилган, шунингдек таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини бажарувчи корхоналарнинг манзиллари;


сақлаш, хавфсиз утиллаштириш усуллари ва қоидалари.

Товар маркировкаси (этикетка, бирка, лейбл)да ва истеъмолчи учун фойдаланишга доир илова ҳужжатларидаги ахборот, товарнинг тури ва техник жиҳатдан мураккаблигига қараб, бевосита муайян товарга матн кўринишидаги ҳужжат (паспорт, формуляр, қўллаш учун кўрсатма ва бошқалар) сифатида илова қилиниши керак. Генетик модификация қилинган маҳсулотлардан олинган товар маркировкасида бу ҳақда тегишли маълумотлар бўлиши керак.

Мазкур Қарор қабул қилиниши муносабати билан 2013 йил 1 июлдан бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз кучини йўқотди. Улар орасида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб келишни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида» қарори (5.12.2002 йилдаги 427-сон) бор, у билан 2003 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомалага чиқариладиган импорт қилинадиган истеъмол товарларининг ҳужжатга илова қилинган Рўйхатда кўрсатилган айрим турларини мажбурий маркалаш жорий этилган эди.

Чунончи, унга мувофиқ истеъмол ўрамига

2-бетда





# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

**1-бетда** эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг барча турлари маркировка қилиниши шарт эди. Янги Рўйхатда маркировка қилиниши шарт бўлган истеъмол товарлари рўйхати янада аниқлаштирилган. Энди улар қаторига гўшт ва истеъмолбоп гўштли қўшимча маҳсулотлар, сут маҳсулотлари, паррандалар тухуми, табиий асал, моллардан олинган озиқ-овқат маҳсулотлари, сабзавотлар ва айрим истеъмолбоп илдизмевали ўсимликлар, истеъмолбоп мева ва ёнғоқлар, цитрусли мевалар пўстлоғи ёки қовунлар пўсти, қовурилмаган ёки бирор-бир усул билан тайёрланмаган, тозаланган ёки тозаланмаган, янчилган ёки янчилмаган ерёнғоқ, оқёғ ёки ўсимлик ёғлари ва мойлари ҳамда уларни парчалаш маҳсулотлари, тайёр истеъмол ёғлари, қанд ва қанддан қандолат маҳсулотлари ва Рўйхат бўйича бошқалар қиради. Шунингдек маиший кимё маҳсулотлари ҳам анча аниқлаштирилди.

Қарор Президентнинг «Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида» қарорини (29.01.2013 йилдаги ПҚ-1913-сон) бажариш юзасидан қабул қилинди.

## МАКТАБ БИТИРУВЧИЛАРИ ЎҚИТИШ БИЛАН ТЎЛИҚ ҚАМРАБ ОЛИНАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг «2013–2014 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-хунаар таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорининг (16.05.2013 йилдаги 133-сон) мақсади умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини касб-хунаар коллежларида ва академик лицейларда ўқитиш билан тўлиқ қамраб олиш ҳисобланади.

Унга кўра иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида аниқ касблар бўйича амалдаги эҳтиёжни таҳлил қилиш асосида 2013–2014 ўқув йилидан бошлаб 26 та касб-хунаар коллежи қайта ихтисослаштирилади.

Республиканинг касб-хунаар коллежларига ва академик лицейларига мактаб битирувчиларини қабул қилишнинг умумий параметрлари тасдиқланди.

Таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар



бўйича ҳар бир академик лицей ва касб-хунаар коллежга қабул қилиш параметрларини тасдиқлаш вазифаси топширилди. Бунда умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини, ўқувчилар ва улар ота-оналарининг танланган ва иқтисодиёт тармоқларида эҳтиёж мавжуд бўлган мутахассисликлар бўйича ўқишга талабини, таълим муассасаларида зарур моддий-техника базаси мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, касб-хунаар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлашга алоҳида эътибор берилиши шарт. Умумтаълим мактабларининг 9-синфларини битирувчи қизларнинг уларда ўқитиш билан қамраб олинишига алоҳида эътибор қаратилади.

Манфаатдор вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига:

қайта ихтисослаштирилаётган ва янгидан фойдаланишга топширилаётган касб-хунаар коллежларида ва филиалларида сифатли ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш;

уларни юқори малакали ўқитувчи кадрлар билан тўлдириш;

уларда кадрлар тайёрлаш йўналишларига мувофиқ ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ўқув ва услубий адабиётлар билан таъминлаш чора-тадбирларини қўриш вазифаси топширилди.

## ХОРИЖДА ТАШКИЛОТ ТАШКИЛ ЭТИШ ҚОИДАЛАРИ

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг қарори (АВ томонидан 17.05.2013 йилда 2457-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан чет элда ташкилотлар ташкил этиш ёки уларнинг устав фонди (капитали) да улуш билан иштирок этиш тўғрисида хабардор этиш тартиби ҳақидаги низом тасдиқланди.

Унга кўра таъсисчилар ташкил этилаётган давлат ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ чет элдаги ташкилотни, ваколатига чет элда ташкилот ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиш қирадиган бошқарув органи қарорига асосан ташкил этиш ҳуқуқига эга. Бунда, таъсисчи чет элдаги ташкилотнинг устав фонди (капитали)даги ўз улушини товарлар билан шакллантиришда, божхона органларига куйидагиларни тақдим этган ҳолда, товарларни чет элдаги ташкилот устав фонди (капитали)даги ўз улушини шакллантириш ҳисобига «вақтинча олиб чиқиш» божхона режимига расмийлаштиради (товарларни олиб ўтишнинг хусусиятлари «товарларни инвестиция сифатида олиб чиқиш» сифатида кўрсатилади):

чет элда ташкилот ташкил этиш тўғрисида қарор; давлат солиқ хизмати органларининг таъсисчиларнинг бюджет олдидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи бор ёки йўқлиги тўғрисидаги маълумотномаси.

Таъсисчи чет элдаги ташкилотни ташкил этиш давлати қонунчилигига мувофиқ ташкил этиш давлатининг рўйхатдан ўтказувчи органида давлат рўйхатидан ўтказилади. Давлат корхонаси Ўзбекистон Республика-

сининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда чет элда ташкилот ташкил этиши мумкин.

Чет элдаги ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин таъсисчи бир ой ичида ваколатли органни ушбу ҳақида чет элда ташкил этилган ташкилотнинг тасдиқланган, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги аккредитациядан ўтган жойи бўйича дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси ёхуд Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик бошқармаси томонидан легализация қилинган таъсис ҳужжатларини тегишли таржимаси билан бирга юборган ҳолда хабардор қилади.

Легализация, агар:

ҳужжатларга апостиль қўйилган бўлса;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида, бир аҳдлашувчи томоннинг ҳудудида махсус муассаса ёки ваколатли шахс томонидан тайёрланган ёки гувоҳлантирилган, уларнинг ваколати доирасида ва белгиланган шаклда ва гербли муҳр билан тасдиқланган бўлса, бошқа аҳдлашувчи томоннинг бирон-бир махсус гувоҳлантиришсиз қабул қилиниши белгиланган бўлса, талаб этилмайди.



ТИАИСВ ҳар чоракда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20-санасидан кечикмай, ИВ, ДСҚ ва ДБҚга чет элда ташкилотлар ташкил этилганлиги тўғрисида хабар юборган таъсисчилар рўйхатини (зарур бўлганда — электрон шаклда) тақдим этади. Давлат божхона хизмати органлари ушбу маълумотларга асосан устав фонди (капитали)ни шакллантириш ҳисобига олиб чиқилган товарларни «экспорт» божхона режимига қайта расмийлаштирадилар. Шундан сўнг таъсисчи чет элдаги ташкилотнинг устав фонди (капитали)ни шакллантириш учун юборилган товарларни қайтариш мажбуриятдан озод этилади.

Чет элдаги ташкилотнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда, у қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда, шунингдек чет элдаги ташкилотнинг таъсисчилари, шу жумладан хорижий таъсисчилари ўзгарганда таъсисчи бир ой ичида ТИАИСВни тегишли ҳужжатларни юборган ҳолда хабардор этади.

Тақдим этилган ҳужжатларга қисқача шарҳларни эксперт-юрисгимиз Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.

## МДҲ ВА БОЛТИҚБҲҲИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат    | Сана       | АҚШ доллари |          | Евро    |           | Россия рубли |          |
|-------------|------------|-------------|----------|---------|-----------|--------------|----------|
|             |            | бирлиги     | курси    | бирлиги | курси     | бирлиги      | курси    |
| Озарбайжон  | 27.05.2013 | 1           | 0,7846   | 1       | 1,0139    | 1            | 0,0250   |
| Арманистон  | 24.05.2013 | 1           | 415,35   | 1       | 538,42    | 1            | 13,27    |
| Беларусь    | 28.05.2013 | 1           | 8680,00  | 1       | 11230,00  | 1            | 277,50   |
| Грузия      | 27.05.2013 | 1           | 1,6350   | 1       | 2,1206    | 100          | 5,2209   |
| Қозғистон   | 27.05.2013 | 1           | 150,74   | 1       | 195,74    | 1            | 4,82     |
| Қирғизистон | 28.05.2013 | 1           | 48,2227  | 1       | 62,4146   | 1            | 1,5405   |
| Латвия      | 27.05.2013 | 1           | 0,544000 | 1       | 0,702804  | 1            | 0,017300 |
| Литва       | 28.05.2013 | 1           | 2,6698   | 1       | 3,4528    | 1            | 0,0852   |
| Молдова     | 27.05.2013 | 1           | 12,5223  | 1       | 16,2259   | 1            | 0,3998   |
| Россия      | 25.05.2013 | 1           | 31,3164  | 1       | 40,5140   | —            | —        |
| Тожикистон  | 27.05.2013 | 1           | 4,7560   | 1       | 6,1261    | 1            | 0,1530   |
| Украина     | 27.05.2013 | 100         | 799,3000 | 100     | 1034,2143 | 10           | 2,5523   |
| Эстония     | 31.12.2010 | 1           | 11,7107  | 1       | 15,6466   | 1            | 0,383246 |

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 28 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)

|                         |         |                       |         |
|-------------------------|---------|-----------------------|---------|
| 1 Австралия доллари     | 2003,53 | 1 Польша злотийси     | 641,14  |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3146,95 | 1 СДР                 | 3112,33 |
| 1 Дания кронаси         | 360,92  | 1 Туркия лираси       | 1127,81 |
| 1 БАА дирҳами           | 566,74  | 1 Швейцария франки    | 2160,67 |
| 1 АҚШ доллари           | 2081,59 | 1 ЕВРО                | 2686,84 |
| 1 Миср фунти            | 298,14  | 10 Жанубий Корея вони | 18,53   |
| 1 Исландия кронаси      | 16,81   | 10 Япония иенаси      | 206,16  |
| 1 Канада доллари        | 2015,29 | 1 Россия рубли        | 66,47   |
| 1 Хитой юани            | 339,85  | 1 Украина гривнаси    | 260,43  |
| 1 Малайзия ринггити     | 686,88  |                       |         |

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки олиш мажбуриятини олмаган

УШБУ  
СОҢДА:

### ✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

— Янги ҳужжатларни тақдим этамиз  
— Валюталар курси  
— ЎзР ВМнинг «Тадбиркорлик субъектлари — импортёрлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудида бож тўловлари бўйича имтиёзлар қўлланган ҳолда олиб кирилган товарларнинг божхона қийматини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори  
1–2, 4-бетлар

### ✓ ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ

— Совгаларни банк назорат қилмайди  
— Кредит, ссуда, қарз — уларнинг фарқи нимада?! 3-бет  
✓ ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИ  
— Турмушга эрта чиқманг  
— Ўғлим ишончнома берди, бошлиқ эса уни тасдиқламапти... 5-бет  
✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ  
— Қандай қилиб устабазармонни зарарни тўлашга мажбур этиш лозим?

— Мен айбдор эмасман...  
— Айб турлича бўлади  
— Дарс ўтишни сантехниклик билан қўшиб олиб борсам бўладими?  
— Меҳнат шартномаси: аёлларга берилган имтиёзлар 6–7-бетлар

### ✓ ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ

— Ўз уйингизда ҳам сканердан ўтказадилар  
— Суд танланмайди 8-бет



# СОВФАЛАРНИ БАНК НАЗОРАТ ҚИЛМАЙДИ

**Корхонамиз шубба корхонанинг 100 фоизлик муассисидир. Унда молиявий қийинчиликлар юзага келганда биз текин молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома туздик. Шартномага кўра унинг устас фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун биз муайян суммани йўналтираемиз. Бироқ хизмат кўрсатувчи банкнинг операциялар юритувчиси, кейинроқ эса юристи ҳам мазкур шартнома бўйича ҳақ тўлашдан бош тортиб, бундан шартномада юристнинг ҳулосаси йўқлиги билан асослашди. Банкнинг ҳаракатлари қанчалик қонуний?**

**Б.А.,**  
корхона бош бухгалтери.

– Аввал сиз айтган текин молиявий ёрдам кўрсатиш шартномаси ҳада шартномаси таърифига қанчалик мослигини аниқлаб олайлик. Фуқаролик кодексининг (ФК) 502-моддасига кўра ҳада шартномасига мувофиқ бир тараф (ҳада қилувчи) бошқа тараф (ҳада олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талаби)ни беради ё бериш мажбуриятини олади, ёхуд уни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулк мажбуриятдан озод қилади ёкинчи озод қилиш мажбуриятини олади. ФКнинг 81-моддасига биноан фуқаролик ҳуқуқларининг объектларига ашёлар, шу жумладан пул ва қимматли қоғозлар қиради.

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун (29.08.1998 йилда-

ги 670-1-сон, бундан кейин – 670-1-сон Қонун) 21-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ хўжалик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши керак. Шартномаларни уларнинг имзоланган тузишга йўл қўйилмайди. Бироқ 670-1-сон Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ хўжалик шартномаси деб тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг

ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув эътироф этилади.

Агар мазкур таърифдан келиб чиқилса, ҳада шартномаси хўжалик шартномаси деб эътироф этилмайди, чунки унда тарафларнинг бирор-бир ишлар (хизматлар)ни бажариш ёки товарларни бериш бўйича мажбуриятлари қайд этилмаган. У тадбиркорлик фаолияти соҳасига ҳам кирмайди.

Бундан ташқари, 670-1-сон Қонуннинг 23-моддасида хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширадиган давлат органлари белгиланган.



Чунинчи, хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ бўлган қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни прокуратура органлари амалга оширади.

лар. Адлия органлари хўжалик юритувчи субъектларга шартнома мажбуриятларини тузиш ва бажариш чоғида ҳуқуқий ёрдам кўрсатадилар, шунингдек ўз ваколатлари доирасида хўжалик шартномаларининг бажарилиш жараёнини назорат қиладилар.

Шу тариқа, банк куйидаги сабабларга кўра ҳада шартномасига юридик ҳулоса берилишини талаб қилишга ҳақли эмас:

ҳада шартномаси уларни тузаётганда корхона юристи ёки адвокатура ҳуқуқий экспертизани мажбурий равишда ўтказиши талаб этиладиган хўжалик шартномаларига кирмайди;

банк шартномаларни тузиш, ижро этиш ва бекор қилиш устидан назоратни амалга ошириш ваколат доирасига қирадиган субъектлар рўйхатига кирмайди<sup>1</sup>.

Сиз банк мансабдор шахсларининг ҳаракатлари устидан прокуратура органлари ва (ёки) Марказий банкка қонун билан белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақлисиз.

Нафақат банклар, балки назорат қилувчи органлар билан ҳам бундай зиддиятларга йўл қўймаслик учун шартномаларнинг номи ва предмети аниқроқ таърифлашни тавсия қиламиз.

**Алексей НИЯЗМЕТОВ,**  
юрист.

<sup>1</sup>Баъзи ҳолларда, масалан, экспорт-импорт контрактларини тузиш чоғида, банкка юридик ҳулоса берилишини айрим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талаблари тақозо этади.

# КРЕДИТ, ССУДА, ҚАРЗ – УЛАРНИНГ ФАРҚИ НИМАДА?!

**Кўпчилик ссуда, қарз, кредитни бир нарса – қайтариб бериш ва тўлаш ёки тўламаслик шартин билан пул суммасини қарзга бериш деб ҳисоблайдилар. Айни шу сабабли ушбу атамаларнинг ҳаммаси синонимлар деб ҳисоблайдилар. Бундай қараганда ҳақиқатан ҳам шундай: бир шахс бошқа шахсдан муайян пул суммаси ёки бошқа активни олади ва маълум вақт ўтганидан кейин уни қайтаради, баъзан бунинг учун фоизларни тўлайди, баъзан эса тўламайди ҳам.**

**Аслида «кредит», «ссуда» ва «қарз» тушунчалари ўртасида фарқ мавжуд. Мазкур мақолада уларни изоҳлашга ҳаракат қиламиз.**

## ҚАРЗ ШАРТНОМАСИ

Фуқаролик кодексининг (ФК) 732-моддасига кўра қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади.

**Белгиланган турга хос аломатлар** деб ушбу турдаги барча ашёларга хос бўлган ва сон, оғирлик, ўлчов ва ҳоказолар билан аниқланадиган (масалан, бир килограмм ун, бир метр газлама, бир тонна кўмир) аломатларга эга бўлган ашёлар эътироф этилади. Турга хос аломатлар билан белгиланадиган ашёларни алиштириш мумкин.

## ССУДА ШАРТНОМАСИ

ФКнинг 617-моддасига кўра текин фойдаланиш (ссуда) шартномаси бўйича бир тараф (ссуда берувчи) иккинчи тарафга

(ссуда олувчига) ашёни вақтинча текин фойдаланиш учун бериш мажбуриятини олади ёки беради, иккинчи тараф эса бу ашёни қандай олган бўлса, нормал ейлишни ҳисобга олиб худди шундай ҳолатда ёки шартномада назарда тутилган ҳолатда қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Қонун ҳужжати қондасининг маъносига кўра текин фойдаланишга бериладиган ашё:

- истеъмол қилинмайдиган;
- якка тартибда белгиланган;
- оборотга лаёқатли бўлиши керак.

**Истеъмол қилинмайдиган ашёлар** деб кўп маротаба фойдаланиш учун мўлжалланган, бунда ўзининг дастлабки кўринишини узоқ вақт мобайнида сақлайдиган ва аста-секин эскирадиган ашёлар эътироф этилади (**мебель, телефон аппаратлари, компьютерлар, транспорт воситалари ва ҳоказо**).

**Истеъмол қилинадиган ашёлар** деб улардан бир маротаба фойдаланиш натижасида йўқ бўладиган ёки дастлабки кўринишини йўқотадиган ашё-

лар эътироф этилади. Фойдаланиш жараёнида улар ўзларининг истеъмол хоссаларини тўлиқ йўқотадилар – йўқ бўладилар ёки сифат жиҳатидан бошқа ашёга айланадилар. Масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари уларни истеъмол қилиш жараёнида йўқ бўлади. Истеъмол қилинадиган ашёларга **хом ашё, ёқилғи, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳоказолар** қиради.

**Якка тартибда белгиланган ашё** деб фақат унга хос бўлган, уни бир турдаги ашёлар орасидан ажратадиган ва бу билан уни индивидуаллаштирадиган алоҳида аломатларга эга бўлган ашё эътироф этилади. Бундай ашёларга ноёб, яъни ўз турига кўра ягона бўлган ёки муайян усул билан алоҳидалаштирилган ашёлар қиради (**муҳр, алоҳида белгилар қўйиш, рақам бериш, рақамлар ва ҳоказо**).

Фуқаролик ҳуқуқида ашёларни таснифлашнинг энг муҳим мезони бўлиб уларнинг **оборотга лаёқатлилиги** – мулкий оборот (турли битимлар) объекти бўлиб хизмат қилиш лаёқати ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг оборотда мавжуд бўлишига йўл қўйилмайдиган турлари (оборотдан олиб қўйилган объектлар) қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилиши керак.

## КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ

ФКнинг 744-моддасига кўра кредит шартномаси бўйича бир тараф – банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.


**Қарз шартномаси** фоиз олинмайдиган бўлиши мумкин. Яъни унда фоизларни тўлаш шартин кўрсатилиши ёки кўрсатилмаслиги мумкин. **Ссуда шартномаси эса доимо фоизсиз бўлади.** Шу боис савдо муносабатларида у гоётада кам учрайди. Ушбу муносабатларни тартибга соладиган меъёрлар ҳам савдо оборотида кўпинча амалда қўлланмайди.

Ссуда шартномаси қарз шартномасидан яна шуниси билан ҳам фарқ қиладики, ашё ссуда олувчига мулк қилиб ва истеъмол учун берилмасдан, фақат **вақтинчалик фойдаланишга** берилади.

Ссудада ашё тамом бўлмайдиган ва йўқ бўлмайдиган истеъмол учун олинади. Қарзнинг мақсади эса айни тамом бўладиган қилиб ишлатиш ёки истеъмол қилиш ҳисобланади. Ашёни ссуда берувчи унинг хўжайини бўлиб қолаверади ва уни ўз буюми деб ҳисоблайди, фақат ундан фойдаланишга имкон беради. Қарз берувчи эса ашёни бир йўла бериб, ўзининг бутун ашёвий ҳуқуқини беради.

Кредит шартномасининг хусусияти шундан иборатки, унинг предмети бўлиб фақат пул ҳисобланади. Қарз эса пул маблағлари билан ҳам, бошқа мол-мулк билан ҳам берилиши мумкин.

**Ахтам ҲИКМАТОВ,**  
адвокат.



## РЕКЛАМА

**“AMIR-AUDIT” МЧЖ**  
аудиторлик ташкилоти

28.03.2008 йилдаги 00643-сон лицензия,  
УЗР АВНнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси.

**Ўзбекистон Республикасидаги барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказиш**

Малака сертификатли аудиторларни ишга қабул қиламиз

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш  
Тел.: (+99890) 187-04-68, (+99890) 644-62-23,  
296-55-78; факс (8371) 296-52-15

## ЭЪЛОНЛАР

### БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ

Асосий фондлар, кўчмас мулк, автотранспорт, бизнес-режаларни қайта баҳолаш\*.  
Тел.: (+998 98) 365-33-50,  
(+998 71) 245-75-47.

### ТАКЛИФ

1982 йилда ишлаб чиқарилган, ишчи ҳолатдаги, капитал таъмирланган ЭО 33 22 А гилдиракли экскаватор сотилмоқда.  
Тел. (+998 90) 910-84-36.

### ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр\*.  
Тел. 346-16-89.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш\*.  
Тел.: 281-52-39, 346-16-89.

### ХИЗМАТЛАР

Объектларни кўриқлаш.  
Тел.: 542-17-65, 508-74-34.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов исталган шаклда.  
Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

\*Хизматлар лицензияланган.  
Товар сертификатланган.



1-бетда

ЎзР ВМнинг 2013 йил 22 майдаги 139-сон қарорига  
ИЛОВА**ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ — ИМПОРТЁРЛАР ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
БОЖХОНА ҲУДУДИГА БОЖ ТЎЛОВЛАРИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР ҚЎЛЛАНГАН ҲОЛДА  
ОЛИБ КИРИЛАДИГАН ТОВАРЛАРНИНГ БОЖХОНА ҚИЙМАТИНИ ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ****I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Ушбу Низом тадбиркорлик субъектлари — импортёрлар томонидан экспорт божхона юк декларациясини ва Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига қилинган харажатларни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни, божхона тўловлари бўйича имтиёзларни қўллаган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириладиган товарларнинг божхона қийматини тасдиқлаш учун мажбурий тақдим этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**тадбиркорлик субъекти — импортёр** (кейинги ўринларда импортёр деб аталади) — белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи ва қонун ҳужжатларига мувофиқ божхона тўловлари бўйича имтиёзларни қўллаган ҳолда товарларни импорт қилувчи юридик ёки жисмоний шахс;

**экспорт божхона юк декларацияси** — экспорт/реэкспорт қилувчи мамлакатда расмийлаштирилган, Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириладиган товарнинг қиймати тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган божхона декларацияси;

**олиб кириладиган товарнинг тақдим этилган қиймати** — унинг бўйича пул ҳисоб-китоби (тўлов) амалга ошириладиган шартномада (контрактда) ёки инвойсда кўрсатилган қиймат ёхуд уларда қиймат мавжуд бўлмаган тақдирда — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланадиган қиймат;

**олиб кириладиган товарнинг тасдиқланган қиймати** — товарнинг экспорт божхона юк декларациясида кўрсатилган божхона қиймати (у мавжуд бўлмаганда — фактурадаги қиймати) ва Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига қилинган, ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳамда «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддаси иккинчи қисмидаги 1–5-бандларда назарда тутилган божхона қийматига қўшилган (агар улар унга киритилмаган бўлса) харажатлар, шунингдек дилер (дистрибьютор, агент) шартномаси асосида ишлаб чиқарувчи ташкилот дилерининг (дистрибьютор, агентнинг) воситачилик ҳақи;

**олиб кириладиган товарнинг тасдиқланмаган қиймати** — олиб кириладиган товар кўрсатилган қийматининг олиб кириладиган товарнинг тасдиқланган қийматидан ортиқча қиймати.

3. Агар экспорт божхона юк декларациясида товарнинг қиймати кўрсатилмаган бўлса ёки экспорт/реэкспорт қилувчи мамлакатнинг қонун ҳужжатларида товарни олиб чиқишда божхона декларациясини расмийлаштириш назарда тутилмаган бўлса, у ҳолда экспорт божхона юк декларацияси ўрнига товарни олиб чиқишда экспорт/реэкспорт қилувчи мамлакатда расмийлаштирилган ҳамда экспортёр ва импортёрнинг номи, Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириладиган товарнинг қиймати, вазни ва миқдори тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган ўрнини босувчи бошқа ҳужжат тақдим этилиши мумкин.

4. Ушбу Низомнинг амал қилиши инсонпарварлик ёрдами, техникавий кўмак сифатида ва грантлар ҳисобига олиб кириладиган товарларга, шунингдек олиб кириладиган Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасига, хорижий валютага ва қимматбаҳо қозғоларга татбиқ этилмайди.

**II. БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИ БЎЙИЧА  
ИМТИЁЗЛАР ҚЎЛЛАНГАН ҲОЛДА,  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
БОЖХОНА ҲУДУДИГА  
ОЛИБ КИРИЛАЁТГАН ТОВАРЛАРНИНГ  
БОЖХОНА ҚИЙМАТИНИ ТАСДИҚЛАШ**

5. Импортёр божхона тўловлари бўйича имтиёзларни қўллаган ҳолда, олиб кириладиган товарларнинг божхона қийматини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикасининг давлат божхона хизмати органларига («эркин муомала учун чиқариш» режимига божхона расмийлаштируви пайтида экспорт божхона юк декларациясини ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатни ва Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига қилинган харажатларни (қиймат ва тўловларни) тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни (кейинги ўринларда бошқа ҳужжатлар деб аталади) тақдим этади.

6. Экспорт божхона юк декларацияси: қозғоғдаги оригинали (асл нусхаси) ёки экспорт/реэкспорт қилувчи мамлакатнинг божхона органлари ёки импортёр томонидан тасдиқланган нусхаси тарзида; қозғоғли манбада босилган ва экспорт/реэкспорт қилувчи мамлакатнинг божхона органи ёки импортёр томонидан тасдиқланган электрон божхона юк декларацияси тарзида тақдим этилиши мумкин.

7. Экспорт божхона юк декларацияси ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг давлат божхона хизмати органларига рус ёки инглиз тилларида

тақдим этилади. Бошқа тилда тўлдирилган экспорт божхона юк декларацияси ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг давлат божхона хизмати органларига импортёр томонидан тасдиқланган ўзбек, рус ёки инглиз тилидаги таржимаси билан бирга тақдим этилиши керак.

**III. БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИНИ  
ҲИСОБЛАБ ЧИҚИШ**

8. Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар олиб кириладиган товарнинг тасдиқланган қийматига берилади.

Олиб кириладиган товарнинг тасдиқланмаган қийматига божхона тўловлари ҳисоблаб чиқилади.

9. Улар бўйича божхона тўловларининг алоҳида ва аралаш ставкалари белгиланган товарларга алоҳида қисми ҳисоблаб чиқиш учун асос олиб кириладиган товарнинг тасдиқланган ва тасдиқланмаган қийматининг фоиздаги нисбатидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

10. Экспорт божхона юк декларацияси ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжат тақдим этилмаган тақдирда божхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилмайди.

11. 8–10-бандларнинг амал қилиши: юридик шахслар томонидан халқаро ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган қарз (кредит) маблағлари ҳисобига олиб кириладиган товарларга;

Ўзбекистон Республикаси томонидан тузилган шартномалар (битимлар) доирасида олиб кириладиган товарларга; қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида экспертизадан ўтган импорт контрактлари бўйича олиб кириладиган товарларга;

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сон қарори билан тасдиқланган Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисидаги низомнинг 9-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари билан келишилган ҳолда ташкил этилган идоралараро тендер комиссиялари қарорлари асосида тузилган контрактларга биноан олиб кириладиган товарларга;

суюқ углеводородларни етказиб бериш юзасидан импорт контрактлар бўйича олиб кириладиган товарларга татбиқ этилмайди.

**IV. БОЖХОНА ЮК ДЕКЛАРАЦИЯСINI  
ТЎЛДИРИШ**

12. Божхона юк декларацияси «эркин муомала учун чиқариш» божхона режимига нисбатан амал қиладиган божхона юк декларациясини тўлдириш тартибига мувофиқ тўлдирилади. Бунда божхона юк декларациясининг қўшимча маълумотларни назарда тутувчи устунида экспорт божхона юк декларацияси ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатнинг санаси ва тартиб рақами кўрсатилади.

13. Олиб кириладиган товарнинг тасдиқланган ва тасдиқланмаган қийматини, тўланиши керак бўлган божхона тўловларини ва божхона тўловлари бўйича имтиёзларнинг ҳисоб-китоби божхона юк декларациясига ушбу Низомга иловага мувофиқ шакл бўйича илова қилинади ҳамда божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг имзоси ва декларант муҳри билан тасдиқланади.

**V. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

14. Агар «эркин муомала учун чиқариш» режимига божхона расмийлаштируви пайтида экспорт божхона юк декларацияси ёки унинг ўрнини босувчи ўзга ҳужжат ва бошқа ҳужжатлар тақдим этилмаса ҳамда товарлар бўйича божхона тўловлари тўланган бўлса импортёр экспорт божхона юк декларациясини ёки унинг ўрнини босувчи ўзга ҳужжатни ва бошқа ҳужжатларни тақдим божхонада расмийлаштирилган кундан бошлаб йил мобайнида тақдим этиши мумкин.

15. Экспорт божхона юк декларациясини ёки унинг ўрнини босувчи ўзга ҳужжатни ва бошқа ҳужжатларни тақдим этишда божхона тўловлари қайта ҳисоблаб чиқарилади ва ортиқча тўланган божхона тўловлари қайтарилади ёхуд Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, импортёр талабига кўра келгусидаги божхона тўловлари ҳисобига ўтказилади.

16. Импортёр Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб кирилган товарларни божхонада расмийлаштиришда тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ишончлилиги учун жавоб беради.

17. Божхона тўловлари бўйича имтиёзларнинг тўғри қўлланганлигини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектлари — импортёрлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига бож тўловлари бўйича имтиёзлар қўлланган ҳолда олиб кириладиган товарларнинг божхона қийматини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

— сон БЮДга илова

**Олиб кириладиган товарнинг тасдиқланган ва тасдиқланмаган қийматлари ҳисоб-китоби, тўланиши керак бўлган божхона тўловлари ҳамда божхона тўловлари бўйича имтиёзлар**

—сон товар

(божхона юк декларациясининг тегишли устунида кўрсатилган товарнинг тартиб рақами кўрсатилади)

| Ҳисоблаб чиқиш асослари   | Товарнинг тақдим этилган қиймати (ЗСТ) | Олиб кириладиган товарнинг тасдиқланган қиймати (ПСТ)* | Олиб кириладиган товарнинг тасдиқланмаган қиймати (НСТ) |
|---|--|--|---|
| 1. Товарнинг экспорт БЮД* бўйича валютадаги қиймати             | X**                                    |  | X**   |
| 2. Экспорт БЮД* бўйича валютани қайта ҳисоблаш курси            | X**                                    |  | X**   |
| 3. Контракт бўйича товарнинг валюта қиймати                     |  |  |   |
| 4. Контракт бўйича валютани қайта ҳисоблаш курси                |  |  |   |
| 5. Қийматларнинг фоиздаги нисбати                               | 100%                                   | ПСТ/ЗСТ x 100%   | НСТ/ЗСТ x 100%  |
| 6. АҚШ доллари курси  |  |  |   |
| 7. Миқдори (кг, дона, м <sup>2</sup> , м <sup>3</sup> , ...)    |  |  |   |
| 8. Товарнинг сўмдаги қиймати                                    | 3-б. x 4-б.                            | 3-б. x 4-б.  | 3-б. x 4-б.   |
| 9. Божхона расмийлаштируви йиғимини ҳисоблаб чиқиш учун асослар |  |  |   |
| 9.1. Божхона расмийлаштируви йиғими ставкаси                    |  |  |   |
| 9.2. Божхона расмийлаштируви йиғими суммаси                     |  |  |   |
| 10. Божхона божини ҳисоблаб чиқиш учун асослар                  |  |  |   |
| 10.1. Божхона божи ставкаси                                     |  |  |   |
| 10.2. Божхона божи суммаси                                      |  |  |   |
| 11. Акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш учун асослар                  |  |  |   |
| 11.1. Акциз солиғи ставкаси                                     |  |  |   |
| 11.2. Акциз солиғи суммаси                                      |  |  |   |

| Ҳисоблаб чиқиш асослари   | Товарнинг тақдим этилган қиймати (ЗСТ) | Олиб кириладиган товарнинг тасдиқланган қиймати (ПСТ)* | Олиб кириладиган товарнинг тасдиқланмаган қиймати (НСТ) |
|---|--|--|---|
| 12. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқиш учун асослар            |  |  |   |
| 12.1. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси                               |  |  |   |
| 12.2. Қўшилган қиймат солиғи суммаси                                |  |  |   |
| 13. Бошқа йиғимларни ҳисоблаб чиқиш асослари                        |  |  |   |
| 13.1. Бошқа йиғимлар ставкаси                                       |  |  |   |
| 13.2. Бошқа йиғимлар суммаси  |  |  |   |
| Жами  |  |  |   |
| <b>Бож тўловлари ҳисоб-китоби ва бож тўловлари бўйича имтиёзлар</b> |  |  |   |
| <b>Адвалор ставкаси бўйича бож тўловларини ҳисоблаб чиқариш:</b>    |  |  |   |
| 14. Асослар (сўм)   | 3-б. x 5-б. x 4-б./100                 | 3-б. x 5-б. x 4-б./100                                 | 3-б. x 5-б. x 4-б./100                                  |
| 15. Ставка %  |  |  |   |
| 16. Тўлов суммаси (сўм)   | 14-б. x 15-б./100                      | 14-б. x 15-б./100                                      | 14-б. x 15-б./100                                       |
| <b>Алоҳида ставка бўйича бож тўловларини ҳисоблаб чиқариш:</b>      |  |  |   |
| 17. Миқдори   | 7-б.                                   | 7-б.   | 7-б.  |
| 18. Асослар (миқдори)   | 5-б. x 17-б./100                       | 5-б. x 17-б./100                                       | 5-б. x 17-б./100  |
| 19. Ставка (\$)   |  |  |   |
| 20. Тўлов суммаси (\$)  | 18-б. x 19-б.                          | 18-б. x 19-б.  | 18-б. x 19-б.   |
| 21. Тўлов суммаси (сўм)   | 6-б. x 20-б.                           | 6-б. x 20-б.   | 6-б. x 20-б.  |

Изоҳ:

\*Экспорт божхона юк декларациясида ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатда фактура қиймати тузилган контрактдаги валютадан фарқ қилган ҳолларда тўлдирилади.

\*\*X — устунилар тўлдирилмайди.



# ТУРМУШГА ЭРТА ЧИҚМАНГ

30.04.2013 йилдаги ЎРҚ-352-сон Қонун билан Ўзбекистоннинг қатор қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар оила ҳуқуқини такомиллаштиришга йўналтирилган.

Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят кодекси никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни назарда тутадиган моддалар билан тўлдирилди.

| Ҳуқуқбузарлик   | МЖТК моддаси                   | Жарима                                  | ЖК моддаси                      | Жавобгарлик (худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин)                             |
|---|--------------------------------|---|---------------------------------|--|
| Никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига кириш  | 47 <sup>3</sup> , биринчи қисм | ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача  | 125 <sup>1</sup> , биринчи қисм | ЭКИХнинг 20 бараваридан 30 бараваригача жарима ёки 1 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 3 ойгача қамоқ  |
| Ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босадиган шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни турмушга бериш ёхуд уйлантириш | 47 <sup>3</sup> , иккинчи қисм | ЭКИХнинг 7 бараваридан 15 бараваригача  | 125 <sup>1</sup> , иккинчи қисм | ЭКИХнинг 30 бараваридан 50 бараваригача жарима ёки 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 4 ойгача қамоқ  |
| Никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузиш бўйича диний удумни бажариш  | 47 <sup>3</sup> , учинчи қисм  | ЭКИХнинг 10 бараваридан 20 бараваригача | 125 <sup>1</sup> , учинчи қисм  | ЭКИХнинг 50 бараваридан 100 бараваригача жарима ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 6 ойгача қамоқ |

Оила кодексига киритилган ўзгартиришлар билан узрли сабаблар аниқлаштирилган, уларга асосан никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга қамайтириши мумкин. Узрли сабаблар бўлиб ҳомиладорлик, бола туғилиши, вояга етмаган шахснинг тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши (эмансипация) ҳисобланади.

Мажбурий тузилган никоҳ энди нафақат прокурор ва жабрланувчининг, балки жабрланувчининг қонуний вакиллари билан аризага кўра ҳақиқий эмас деб топилгани мумкин.

Вояга етмаган болани ота-онасидан олиш ва уни болалар тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини чиқаришда судга ота ва онанинг ҳар биридан мажбур бола фойдасига алиментлар ундириш мажбурияти юкланди. Ушбу пуллар мажбур бола номига очилган банк ҳисобварағида жамланади ва у вояга етганда тўланади.

Ўзгартиришлар фарзандликка олиш тао-

милларига ҳам тааллуқли бўлди. Уларга мувофиқ фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг (шахснинг) аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик органларининг фарзандликка олишнинг асослиги ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги хулосаси ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан амалга оширилади. Илгари фарзандликка олиш васийлик ва ҳомийлик органларининг тавсиясига кўра туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан амалга оширилган.

Суд фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни Фуқаролик процессуал кодексига назарда тутилган қондалар бўйича алоҳида иш юритиш тартибда кўриб чиқади. Ака-ука ва опа-сингилларни турли шахслар томонидан фарзандликка олинашига йўл қўйилмайди, бундан у болаларнинг манфаатларига хизмат қиладиган ҳоллар мустасно.

Фарзандликка олишга ота-онанинг розилиги нотариал тасдиқланган ёки бола яшаб турган муассасанинг раҳбари ёхуд фарзандликка олиш ёки ота-онанинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органи томо-



нидан тасдиқланган аризада ифодаланиши керак, шунингдек бевосита судда фарзандликка олиш чоғида ифодаланиши мумкин. Илгари ҳам бўлганидек, ота-она уни суд томонидан фарзандликка олиш тўғрисида қарор чиқарилгунга қадар қайтариб олишга ҳақлидир.

Бола битта шахс томонидан фарзандликка олинаётганда унинг манфаатларини кўзлаб, агар фарзандликка олувчи эркак бўлса, онасининг хоҳишига кўра ёки агар фарзандликка олувчи аёл бўлса, отасининг хоҳишига кўра боланинг шахсий номулкий ва мулкий ҳуқуқлари сақланади.

Агар фарзандликка олинаётган боланинг отаси ёки онаси вафот этган бўлса, вафот этган ота ёки она ота-онасининг (буванинг ёки бувининг) илтимосига кўра суднинг фарзандликка олиш тўғрисидаги қароридан фарзандликка олинган боланинг отаси ёки онаси билан ёхуд вафот этган отасининг ёки онасининг қариндошлари билан шахсий номулкий ва мулкий муносабатлари, агар буни боланинг манфаатлари талаб қилса, сақлаб қолинади. Фарзандликка олишни бекор қилишга аввалгидек, фақат суд тартибда йўл қўйилади. Фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилишда 10 ёшга тўлган боланинг фикри ҳисобга олинади.

Ўзбекистон фуқароси бўлган ва республикадан ташқарида яшаётган болани фарзандликка олувчи фуқароси бўлган чет эл давлатининг ваколатли органи томонидан фарзандликка олиш, агар бунга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазириликнинг олдиндан рухсатномаси олинган бўлса, Ўзбекистонда ҳақиқий деб тан олинади (илгари чиқиб кетгунча бола ёки унинг ота-

онаси яшаган туман, шаҳар ҳокимининг рухсатномаси зарур бўлар эди).

Қонун билан Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиришлар киритилди. Улар билан суд томонидан алоҳида иш юритиш тартибда кўриладиган ишлар рўйхатига болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар қўшилди.

Кодексга болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тартибини белгилайдиган меъёрлар киритилди.

Уларга мувофиқ фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза болани фарзандликка олишни истаган Ўзбекистон фуқаролари томонидан фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судига берилади.

Ўзбекистон фуқароси бўлган болани фарзандликка олишни истаган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар фарзандликка олиш тўғрисидаги аризани фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судига, фуқаролик ишлари бўйича вилоят ёки Тошкент шаҳар судига беради. Унда маълумотлар кўрсатилиши ва Кодекснинг янги моддаларида назарда тутилган ҳужжатлар илова қилиниши керак.

Судья ишни судда кўришга тайёрлашда ажрим чиқаради, унга кўра фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига фарзандликка олиш асосли эканлиги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида судга хулоса тақдим этиш мажбурияти юкланади.

Суд фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органларининг вакиллари, шунингдек прокурор албатта иштирок этган ҳолда ёпиқ мажлисда кўриб чиқади. Зарур ҳолларда, суд фарзандликка олинаётган боланинг ота-онасини (отасини ёки онасини), унинг қариндошларини ва бошқа манфаатдор шахсларни, шунингдек 10 ёшга тўлган боланинг ўзини ишда қатнашишга жалб этиши мумкин.

Суд фарзандликка олиш тўғрисида аризани қондириш ёки уни тўлиқ ёки қисман қондиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқаради. Фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисида ишларни кўриш ва ҳал этиш даъво ишини юритиш тартибда амалга оширилади.

Елена ЕРМОХИНА, эксперт-юристимиз.

## ЎГЛИМ ИШОНЧНОМА БЕРДИ, БОШЛИҚ ЭСА УНИ ТАСДИҚЛАМАЯПТИ...

Эрим вафотидан кейин менга ва вояга етмаган икки фарзандимга квартира мерос бўлиб қолди. Бироқ мен ҳозиргача уни ўзимга қайта расмийлаштира олмаяман, чунки ўғилларимдан бири озодликдан маҳрум этиш жойига тушиб қолган. Ўғлим хатда ўзининг розилигини кўрсатган. Бироқ розиликнинг ўзи етарли эмас. Нотариусга ўғлимнинг у жазони ўтаётган ахлоқ тузатиш муассасасининг бошлиғи томонидан тасдиқланган ишончномасини тақдим этиш лозим, бироқ бошлиқ ваколатларининг йўқлигини рўқач қилиб, уни тасдиқлашдан бўйин товлади. Нима қилиш керак? Қаерга мурожаат қилиш лозим?

Валентина,  
Тошкент шаҳри.



— Озодликдан маҳрум этиш жойида жазони ўтаётган шахснинг ишончномасини тасдиқлашдан бўйин товлаган ахлоқ тузатиш муассасасининг бошлиғи, Фуқаролик кодексига асосан, уни тасдиқлаши шарт. Унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори инстанцияга ёзма тарзда шикоят қилиш керак, мазкур ҳолда Ички ишлар вазирлигининг тегишли бошқармаси ёки прокурорлик нazorati органлари ана шундай инстанция бўлади (Жиноят-ижроия кодекси 14-моддасининг иккинчи қисми, 16, 17-моддалари).

Бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома

ҳисобланади. Одатда жисмоний шахслар учун бундай ҳужжат нотариал тасдиқлашни талаб қиладиган (Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 134, 135-моддалари). Бироқ ФКнинг 136-моддасида қуйидагилар нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилади:

госпиталларда, санаторийларда ва бошқа ҳарбий-даволаш муассасаларида даволанаётган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда бошқа шахсларнинг шу муассасаларнинг бошлиқлари, уларнинг тиббий қисм бўйича ўринбосарлари, катта ва навбатчи шифокорлари томонидан тасдиқланган ишончномалари, автомобилларнинг воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно;

ҳарбий хизматчиларнинг, ҳарбий қисмлар, қўшилмалар, муассасалар ҳамда ҳарбий ўқув юрталари жойлашган, нотариал идоралар ва нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа органлар бўлмаган пунктларда эса — ишчи ва хизматчиларнинг, улар оилаларининг ва ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг шу қисм, қўшилма, муассаса ва ўқув юрталарининг командирлари (бошлиқлари) томонидан тасдиқланган ишончномалари,

автомобилларнинг воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно;

озодликдан маҳрум қилиш жойларида бўлган ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг тегишли муассасалар бошлиқлари томонидан тасдиқланган ишончномалари, автомобилларнинг воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно.

Бундан ташқари, хат-хабарларни, шу жумладан пул ва посилкаларни олишга, иш ҳақини ҳамда меҳнат

муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни олишга, муаллифлар ва ихтирочиларга тўланадиган ҳақларни, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек банк муассасаларидан суммаларни олиш ҳақидаги ишончнома ваколат берувчи ишлайдиган ёки ўқийдиган ташкилот, у яшайдиган уйга хизмат кўрсатувчи уй-жойдан фойдаланиш ташкилоти, ўзининг яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёхуд фуқаро даволанишда бўлган даволаш муассасасининг маъмурияти томонидан тасдиқланиши мумкин (ФКнинг 137-моддаси).

Ишончнома беришдек жуда оддий ва тартибга солинган масалада камчиликлар ва гайриоддий жиҳатлар бўлмастайин керакдек туюлади. Бироқ саволда баён этилган вазият мазкур масала охиригача амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаганлигини кўрсатади. Республиканинг ахлоқ тузатиш муассасалари фаолият соҳасида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи Жиноят-ижроия кодекси, Озодликдан маҳрум қилиш кўринишида жазони ижро этиш бўйича муассасаларнинг ички тартиб қоидаларида (ички ишлар вазирининг АВ томонидан 8.06.2001 йилда 1039-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган) озодликдан маҳрум қилиш тарзида жазони ўтаётган шахсларнинг ишончномаларини тасдиқлаш зарурлиги тўғрисида қондалар мавжуд эмас. Мазкур муассасаларнинг ўзига хослигини ҳисобга олиб, улар учун ишончномаларни тасдиқлаш тартибини белгилаш мақсадга мувофиқ бўларди.

Римма СОЛОДОВНИКОВА, эксперт-юристимиз.



# БУЗДИНГИЗМИ

## ҚАНДАЙ ҚИЛИБ УСТАБУЗАРМОННИ ЗАРАРНИ ТЎЛАШГА МАЖБУР ЭТИШ ЛОЗИМ?

*Корхона ходими компьютер/ташкилий техникани синдириб қўйди. Ундан етказилган зарарни ундириш учун иш берувчи қандай ҳаракатларни амалга ошириши мумкин?*

**К.Пармонов, кўп йўналишли фирманинг раҳбари.**

– Иш берувчига (ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги) тўғридан-тўғри ҳақиқий зарар етказилишида айбдор бўлган ходимлар фақат бир вақтнинг ўзида куйидаги мажбурий шартлар мавжудлигида моддий жавобгар бўлишлари керак:

*иш берувчига етказилган тўғридан-тўғри ҳақиқий зарар (зиён)нинг мавжудлиги;*

*ходимнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракати (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги);*

*унинг зарар етказилишидаги айби;*

*ходимнинг айбли хатти-ҳаракати билан иш берувчига етказилган зарар ўртасидаги сабабли алоқадорлик.*

Унга етказилган моддий зарарни аниқлаган иш берувчи куйидаги ҳаракатларни амалга ошириши керак.

● **Унга зарар етказилганлиги далилини** (масалан, қимматликлар камомади ёки уларни шикастлаш ва ҳоказо) **аниқлаш ва ҳужжат билан тасдиқлаш.** Зарурат бўлганда у тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда комиссия тузишга ҳақли. Зарар етказилганлиги далили бухгалтерия ҳисобининг турли ҳужжатлари, шу жумладан ҳўжалик оборотида фойдаланиладиган ҳужжатлар (инвентаризациялаш далолатномаси, нуқсонлар қайдномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бошқалар) билан тасдиқланиши мумкин.

● **Етказилган зарар миқдорини белгилаш ва унинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш.** Агар унинг миқдори белгиланмаган ёки унинг пайдо бўлиш сабаблари аниқланмаган бўлса, иш берувчи ходим зиммасига зарар учун моддий жавобгарликни юклашга ҳақли эмас. Сабабларни белгилаш учун у ходимдан ёзма тушунтириш талаб қилиб олиши керак. Айбдорнинг бирор-бир тушунтириш

беришдан бўйин товлаши уни иш берувчига етказилган зарар учун моддий жавобгарликка тортиш учун тўсиқ бўла олмайди. Бироқ бундай ҳолда тегишли далолатномани тузиш тавсия қилинади.

● **Зарар етказилишида айбдорларни белгилаш.** Эҳтимол, бунинг учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ёрдам сўраб мурожаат қилишга тўғри келиб қолар.

● **Айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этиш.**

Меҳнат кодекси (МК)нинг 202-моддасига мувофиқ етказилган зарар учун куйидаги ҳолларда ходимга тўлиқ моддий жавобгарлик юклатилади:

*маҳсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун;*

*бир галлик ҳужжат асосида олинган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун;*

*қасддан зарар етказилганда; алкоғолли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида зарар етказилганда;*

*ходимнинг суд ҳукми билан аниқланган жиноий ҳаракатлари натижасида зарар етказилганда;*

*тижорат сирлари ошкор этилганда;*

*қонунларда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда.*

Бошқа ҳолларда у ўзининг ўртача ойлик иш ҳақи доирасида моддий жавобгар бўлади (чекланган моддий жавобгарлик).

Иш берувчи зарар етказилган чоғдаги аниқ ҳолатларни ҳисобга олиб, айбдор ходимдан зарарни ундиришдан қисман ёки тўлиқ воз кечишга ҳақли. Бундай ҳолда етказилган зарар корхона фойдаси ҳисобидан қопланади. Давлат

мулки шаклидаги корхоналарда ана шундай қарор, агар у жамоа шартномасида назарда тутилган бўлса, қабул қилиниши мумкин (МКнинг 200-моддаси).

● **Зарарни қоплаш усуллари масаласини ҳал қилиш.** Қоплаш икки усул билан амалга оширилиши мумкин:


1) *етказилган зарарнинг ходимнинг ўзи томонидан ихтиёрий равишда тўланиши* (тегишли пул суммаларини корхона кассасига киритиш ёки уларни иш берувчининг банк ҳисобварағига, шу жумладан пластик карточка воситасида ўтказиш йўли билан). Иш берувчининг розилиги билан ходим етказилган зарарни қоплаш учун унга баҳоси тенг мол-мулк бериши ёки бузилган мол-мулкни тузатиб бериши мумкин. Зарарни ихтиёрий равишда тўлаш МКда назарда тутилган доирада амалга оширилади.

2) *зарарни ходимнинг розилигисиз қоплаш.* Агар тарафлар зарарни ихтиёрий равишда қоплаш тўғрисида келишувга эришмасалар, айбдор ходимдан ўртача ойлик иш ҳақидан ошмайдиган зарар суммасини ундириш иш берувчининг фармойиши бўйича амалга оширилади. У зарар аниқланган кундан бошлаб бир ойдан кўп бўлмаган санада амалга оширилиши мумкин, иш берувчига зарар етказилганлиги маълум бўлган кун зарар аниқланган кун бўлиб ҳисобланади.

Етказилган зарарнинг ходимдан ундирилиши лозим бўлган суммаси унинг ўртача ойлик иш ҳақидан ошиб кетса ёки зарар аниқланган кундан кейин бир ойлик муддат ўтган бўлса, зарар суд тартибида ундирилади.

● **Ходим иш берувчига зарар етказилган фаолиятининг якунлари бўйича текширишнинг барча материаллари билан танишишга ҳақлидир.**

**Ахтам ҲИКМАТОВ,**  
адвокат.



*Мен корхонамизга зарар етказдим. Буни қасддан қилмаган эдим ва у менга боғлиқ бўлмаган сабаблар билан юз берди. Қандай ҳолларда ходим етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлмайди?*

**Б.Х.,** корхона экспедитори.

– Меҳнат кодексининг 199-моддасида етказилган зарар учун ходимнинг моддий жавобгарлиги истисно этиладиган ҳолатлар рўйхати келтирилган. Уларнинг ҳар бирини кўриб чиқамиз.

**Бартараф этиш мумкин бўлмаган куч.** Бундай куч деганда натижада беихтиёр зарар етказиладиган фавқуллодда ва олдини олиб бўлмайдиган ҳолатлар тушунилади. Бартараф этиш мумкин бўлмаган кучнинг таъсири объектив ва мутлақ бўлиши, яъни нафақат зарар етказувчига тааллуқли бўлиши, балки ҳаммага тарқалиши керак. Бартараф этиш мумкин бўлмаган кучга инсон билими ва техник имкониятларнинг ҳозирги даражасида олдиндан назарда тутиш ёки олдини олиш мумкин бўлмаган (ёки олдиндан назарда тутиш мумкин бўлган, бироқ олдини олиш мумкин

бўлмаган) табиий офатлар, (зилзилалар, кўчкилар, д.ш.ч. вуллар, қурғоқчиликлар, тошқинлар ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлашлар (эмбарго) ва бошқалар) киради.

**Нормал ҳўжалик таваккалчилиги.** Бундай таваккалчилик кўпинча янги технологиялар, асбоб-ускуналар ва машиналарни ишлаб чиқиш ҳамда ўзлаштиришда мавжуд бўлади. Куйидаги ҳолларда таваккалчиликни нормал ёки оқланган деб тан олиш керак:

● агар қилинган ҳаракат замонавий илмий-техник билимлар ва тажрибага мувофиқ келса, кўйилган мақсадга эъза хатар билан боғлиқ бўлма ҳаракатлар билан эришиб бўлмаса;

● агар таваккал қилган шахс ҳуқуқлар ва қонун билан кўриқ-

**Корхона/компания/ташкilotга етказилган зарар учун ходимлар қандай ҳолларда моддий жавобгар бўлишлари керак?**

**С.Хван, бош бухгалтер.**  
**Б.Хусайнов, кадрлар хизмати ходими.**  
**«Пик» фирмаси.**

– Ходимлар фақат куйидаги мажбурий шартлар бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлгандагина моддий жавобгар бўлишлари керак:

1. **Иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарар (зиён)нинг мавжудлиги.** Бевосита етказилган ҳақиқий зарар деганда, Меҳнат кодекси (МК)нинг 198-моддасига мувофиқ, иш берувчининг мавжуд мол-мулки (шу жумладан иш берувчи учинчи шахслардан ижарага олган мол-мулк) амалда камайганлиги ёки ёмон ҳолатга келганлиги, шунингдек иш берувчининг ортиқча тўловлар қилиш зарурати тушунилади.

2. **Ходимнинг ғайриҳуқуқий айбли хулқ-атвори (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги).** Бунда ходимнинг қонун ҳужжатлари, корхонанинг ички меҳнат тартиби

## АЙБ

қоидалари, мансаб йўриқномаси ва бошқа мажбурий меъёрлар, шунингдек иш берувчининг қонуний буйруқлари ва фармойишлари ва ҳоказолар билан белгиланган ўз меҳнат вазифаларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслигини тушуниш керак. Ғайриҳуқуқий айбли хулқ-атвор ҳаракат ёки ҳаракатсизлик шаклида ифодаланади. Масалан, ходим бойиш мақсадига корхонанинг энгил автомобилдан «такси» сифатида фойдаланади ёки унинг мол-мулкни ўғирлайди, яъни қонун билан тақиқланган ҳаракатни (ғайриҳуқуқий ҳаракатни) содир этади. Ғайриҳуқуқийлик ҳаракатсизлик шаклида ҳам ифодаланиши мумкин, яъни бу ходим тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, мансаб йўриқномалари билан кўрсатилган ва ҳоказо ҳаракатларни бажармаган ҳоллардир. Масалан, кадрлар бўлимининг бошлиғи меҳнат шартномаси бекор қилинган ходимга меҳнат дафтарчасини беришни икки ойга кечиктирди, бу билан у МКнинг 108-моддасини

*Мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Қишда синфда қувур ёрилиб кетди, уни ўзим тузатдим, чунки ширкатда сантехник бўлиб ишлаш тажрибасига эгаман. Тушунтириб берсангиз, ушбу мактабда ишлаб туриб, ўриндошлик бўйича сантехник вазифаларини бажаришим ёки унинг ўрнида ишлаб туришим мумкинми?*

**Агар мумкин бўлса, қандай кўшимча иш ҳақига умид қилишим мумкин?**

**А.Ефремов,**  
Тошкент шахри.

## ДАРС ЎТИШНИ САНТЕХНИКЛИК БИЛАН

– Ўриндошлик асосида ишлашга асосий иш жойида – ички ўриндошлик ёхуд бошқа ташкилотда – ташқи ўриндошликда ишлашга йўл қўйилади (Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча қасбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида низомнинг 5-банди, ВМнинг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган, бундан кейин – Низом).

Сизнинг ҳолатингизда бу ички ўриндошлик бўлади. Ўриндошлик асосида иш бажарилганида ходим ўзининг асосий ишини бажаришидан ташқари асосий ишидан бўш вақтида меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ

тўланадиган ишни бажаради (Меҳнат кодексининг 160-моддаси). Сиз учун асосий иш жойи ҳисобланган ташкилотда ўриндошликка вақтинча ҳозир бўлмаган ходим учун ёки бўш лавозим бўйича иш бажарилганда йўл қўйилади. Унинг давомийлиги ходимларнинг ушбу тоифаси (сантехник) учун белгиланган иш вақти нормасининг ярмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Ходим асосий иш жойидаги меҳнат мажбуриятларини бажаришдан озод бўлган кунларда у ўриндошлик асосида тўлиқ иш кунда ишлаши мумкин (Низомнинг 7-банди).

Сиз билан ўриндошлик асосида ишлаш учун тузи-



# ТЎЛАНГ

## МЕН АЙБДОР ЭМАСМАН...



ланадиган манфаатларга етказиладиган зарарнинг олдини олиш учун зарур чоралар кўрган бўлса.

Ўзини оқлаган профессионал (қар) хўжалик таваккалчилигида етказилган зарар учун жавобгарлик, агар мақбул ижтимоий фойдали натижага эришилмаган ва зарар кўзланган ижтимоий

фойдали мақсадга қараганда анча салмоқли бўлиб чиқса ҳам, юзага келмайди.

Агар у аввал-бошдан кишиларнинг ҳалок бўлиши, экологик фалокат ёки бошқа оғир оқибатлар таҳдиди билан боғлиқ бўлса, таваккал қилиш ўзини оқлаган деб эътироф этилмайди.

**Охириги зарурат ҳолати.** Ходим томонидан иш берувчига унинг ўзи ёки бошқа фуқароларнинг шахсига ёки ҳуқуқларига, жамият ёки давлатнинг манфаатларига таҳдид соладиган хавфни бартараф этиш учун зарар етказилиши, агар хавфни бошқа воситалар билан бартараф этиш мумкин бўлмаса ва агар етказилган зарар олди олинган зарардан камроқ аҳамиятли бўлса, охириги зарурат ҳам ҳисобланади.

**Зарурий мудофаа.** Ходим у зарурий мудофаа ҳолатида, яъни ўзини ёки ўзининг ёхуд бошқа шахснинг ҳуқуқларини, жамият ва давлат манфаатларини тажовуз қилувчига зарар етказиш йўли билан, агар бунда зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқмаса, ғайриқонуний тажовуздан ҳимоя қилиш ҳолатида унга етказилган зарар учун моддий жавобгарликка тортилмайди. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб ҳимоянинг тажовуз хусусияти ва хавфлилигига очикдан-очик мувофиқ эмаслиги эътироф этилади.

## ТУРЛИЧА БЎЛАДИ

бузади. Бунинг оқибатида ишдан бўшаган ходим бошқа ишга жойлаша олмайди. Корхонадан ходим фойдасига унга меҳнат дафтарчасини беришни икки ойга кечиктирганлик учун ўртача иш ҳақи ундирилди, чунки МКнинг 188-моддасига мувофиқ ходим меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда махрум этилган барча ҳолларда ололмай қолган иш ҳақини иш берувчи унга тўлаши шарт. Мазкур ҳолда кадрлар бўлими бошлиғининг айби билан корхонага ортиқча пул тўловлари тарзида зарар етказилган. Шу муносабат билан уни моддий жавобгарликка тортиш тўғри бўлади.

**3. Зарар етказишда ходимнинг айби.** Атайлаб ёки эҳтиётсизлик орқасида иш бе-

рувчига атайлаб ёки билвосита тўғридан-тўғри ҳақиқий зарар етказадиган қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) содир этган ходим иш берувчига зарар етказишда айбдор деб топилши мумкин. У иш берувчига етказилган зарарни, уни атайлаб ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этганлигидан қатъи назар, тўлаши шарт. Шу билан бирга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардаги айб шакли тўланиши керак бўлган зарар миқдорига таъсир кўрсатади. Чунончи, МК 202-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мувофиқ ходим томонидан иш берувчига қасддан зарар етказилиши уни тўлиқ моддий жавобгарликка тортиш учун асос ҳисобланади.

**4. Айбли ҳаракат ва етказилган зарар ўртасида сабабли алоқа.** Агар тўғридан-тўғри ҳақиқий зарар иш берувчига ходимнинг ғайриқонуний ҳаракати оқибатида етказилган бўлса, ходимнинг қилмиши билан етказилган зарар ўртасида сабабли алоқанинг мавжудлиги яққол кўринади. Айбли хатти-ҳаракат иш берувчига тўғридан-тўғри ҳақиқий зарар етказилганлиги сабаби бўлиши керак. Масалан, хизмат автомобили ҳайдовчиси йўлнинг муайян участкасида рухсат берилган тезликни оширди ва, бошқарувни уddaлай олмай, бошқа автомобилга тўқнашиб кетди. Ходимнинг хатти-ҳаракати билан бошланган оқибатлар ўртасида сабабли алоқа яққол кўзга ташланади.

**Жавобларни юрист Ленера ХИКМАТОВА тайёрлади.**

**Иш берувчи зарар етказилган чоғдаги аниқ ҳолатларни ҳисобга олиб, айбдор ходимдан зарарни ундиришдан қисман ёки тўлиқ воз кечишга ҳақли.** Бундай ҳолда етказилган зарар корхона фойдаси ҳисобидан қопланади. Давлат мулк шаклидаги корхоналарда ана шундай қарор, агар у жамоа шартномасида назарда тутилган бўлса, қабул қилиниши мумкин (Меҳнат кодексининг 200-моддаси).

## ҚЎШИБ ОЛИБ БОРСАМ БЎЛАДИМИ?

ладиган меҳнат шартномасида иш вақтининг давомийлиги кўрсатилиши керак (Низомнинг 8-банди). Сизнинг ёзма аризангизга кўра асосий иш жойидаги иш берувчи меҳнат дафтарчангизга ўриндошлик асосидаги иш тўғрисида ёзув кири-тиб (ишга қабул қилишда ва меҳнат шартномаси бекор қилинганда) иш даврини кўрсатиши мумкин (Низомнинг 10-банди).

Ўриндошлар меҳнатига ҳақ тўлаш меҳнат шартномасига мувофиқ меҳнатга вақтбай ҳақ тўлаш – ишланган вақтга мутаносиб тарзда амал-

га оширилади (Низомнинг 11-банди), яъни мазкур лавозим учун белгиланган иш ҳақининг 50%дан кўп бўлмаслиги керак (Низомнинг 7-бандига татбиқан).

Меҳнат муносабатларини бир неча касбда ва лавозимда ишлаш сифатида расмийлаштири-шингизга йўл қўйилмайди. Зеро, бир вақтнинг ўзида дарс бериш ва сантехник ишларини ба-жариш мумкин эмас.

**Абдусалом РИСКҲУЛЛАЕВ,**  
эксперт-юристимиз.

## МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ: АЁЛЛАРГА БЕРИЛГАН ИМТИЁЗЛАР

**Мамлакатимизда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат аҳамиятидаги масалалардан ҳисобланади. Айниқса ишловчи аёлларнинг меҳнат муносабатларини мақбуллаштириш, уларга турли кафолат ва имтиёзлар беришда улар билан тузиладиган меҳнат шартномаларининг мазмун-моҳиятига Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига (МК) алоҳида эътибор берилган.**

Масалан, ҳомиладор аёллар ва боласи бор аёлларни ишга қабул қилишдаги кафолатларни олайлик. Меҳнат кодексининг 224-моддасида бу борада шундай дейилади: «Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади. Ҳомиладор аёлни ёки 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёлни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда иш берувчи рад этишнинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум қилиши шарт. Мазкур шахсларни ишга қабул қилишни рад этганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин».

Аёл – ўз яралиш табиати тақозоси билан эркакларга нисбатан ожиза ҳисобланади. Бу табиий ҳолатни меҳнат муносабатларида ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Шунинг учун МКнинг 225-моддаси «Аёллар меҳнатини қўлланиш тақиқланадиган ишлар» деб номланиб, унга мувофиқ меҳнат шариоити ноқулай ишларда, шунингдек ер ости ишларида аёллар меҳнатини қўлланиш тақиқланади, ер остидаги баъзи ишлар (жисмоний бўлмаган ишлар ёки санитария ва маиший хизмат кўрсатиш ишлари) бундан мустаснодир.

Аёлларнинг улар учун мумкин бўлган нормадан ортиқ юкни кўтаришлари ва ташишлари ман этилиши ҳам ушбу моддада белгиланган.

«Ожизаларимиз» меҳнатини қўллаш тақиқланадиган меҳнат шариоити ноқулай ишларнинг рўйхати ҳамда улар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган юк нормаларининг чегарасини Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва иш берувчиларнинг вакиллари маслаҳатини олган ҳолда тасдиқлаши белгиланган.

МКнинг 228-моддаси «Тунги ишларда, иш вақтидан ташқари ишларда, дам олиш кунларидаги ишларда аёллар меҳнатини қўлланишни ва уларни хизмат сафарига юборишни чеклаш» деб номланган бўлиб, ундан белгиланган нормага биноан ҳомиладор аёлларни ва 14 ёшга тўлмаган боласи (16 ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди. Шу билан бирга ҳомиладор аёлларни ва 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни тунги ишларга жалб қилишга бундай иш она ва боланинг соғлиги учун хавф туғдирмаслигини тасдиқловчи тиббий хулоса бўлган тақдирдагина йўл қўйилиши белгиланган.

3 ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланган муассасалар ва ташкилотларда иш-лаётган аёллар иш вақтининг ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддатидан фойдаланишлари мумкин. Бу тоифадаги аёллар меҳнатига ҳақ ҳар кунги тўлиқ иш муддати чоғида тегишли тоифадаги ходимлар учун белгиланган миқдорда тўланади (МКнинг 228-1-моддаси).

Аёлларга йиллик таътиллари бериш навбатини белгилашда ҳам муайян имтиёзлар кўзда тутилган. Хусусан, ҳомиладор аёлларга ва бола туққан аёлларга йиллик таътиллари, уларнинг хоҳишига кўра, тегишлича ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки ундан кейин ёхуд болани парваришlash таътилидан кейин берилади. 14 ёшга тўлмаган бир ва ундан ортиқ болани (16 ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматга ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига йиллик таътиллари, уларнинг хоҳишига кўра ёз вақтида ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади (МКнинг 231-моддаси).

МКнинг 232-моддасида 12 ёшга тўлмаган боласи ёки 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун қўшимча таътиллари назарда тутилган. Хусусан, 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили 3 иш кунидан кам бўлмаган муддат билан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади. 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга эса уларнинг хоҳишига кўра, ҳар йили ўн тўрт календарь кундан кам бўлмаган муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади. Эътиборлиси шундаки, бундай таътил йиллик таътилга қўшиб берилиши ёки иш берувчи билан келишиб белгиланадиган даврда ундан алоҳида (тўлиқ ёхуд қисмларга бўлиб) фойдаланилиши мумкин.

МКда ҳомиладор ва боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишдаги кафолатлар ҳам назарда тутилган. Хусусан, ҳомиладор аёллар ва 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди (корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно), бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни албатта ишга жойлаштириш шarti билан бекор қилиниши мумкин. Мазкур аёлларни ишга жойлаштиришни маҳаллий меҳнат органи уларни ишга жойлаштириш даврида қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли ижтимоий тўловлар билан таъминлаган ҳолда амалга оширади.

Ана шу кафолат ва имтиёзлардан ҳам кўриниб турибдики, республикамизда аёллар меҳнат муносабатлари қулай шарт-шариоитлар замирига қурилгандир.

**Мавлюда МАНСУРОВА,**  
Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани  
7-сонли давлат нотариал идораси катта нотариуси,  
Малоҳат РУЗМАТОВА,  
«PARITET НИМОYA» адвокатлик бюроси адвокати.



# УЙИНГИЗГА КЕЛИБ ҲАМ СКАНЕРДАН ЎТКАЗАДИЛАР

Паспортларни алмаштириш тўғрисидаги ғоят долзарб мавзунинг ёритилган учинга газета ва сайтнинг узун ва миннатдорчидир. Менда ҳам шу хусусда савол бор. Биометрик паспортни жисмоний имкониятлари чекланган ва шу сабабли туман ички ишлар бўлимидаги паспорт столига бора олмайдиган кишилар қандай қилиб оладилар?

Б.К., болаликдан ногирон.

Тошкент шаҳри, Сергели тумани.

– Ҳақиқатан ҳам, эгасининг шахсий маълумотлари қайд этилган махсус чипга эга бўлган биометрик паспортнинг қулайлиги давлат чегараларини кесиб ўтиш ҳолларида ҳам, нотариал ёки маъмурий ҳаракатларни расмийлаштириш/аниқлаштириш ҳолларида ҳам кўринмоқда.

Оддий паспортлар 2015 йилнинг 31 декабрга қадар ҳақиқий ҳисобланишига қарамай, шахсингизни тасдиқлайдиган асосий ҳужжатни олдиндан биометрик паспортга алмаштиришни тавсия қиламиз.


Унга киритилган чипга паспорт эгасининг асосий маълумотларини киритиш учун қўл бармоқларининг изини олиш

ва юзни рақамли сканерлаш таъминлашдан ўтиш лозим. У яшаш жойидаги ички ишлар органларининг кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимида (ёки Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик муассасаларида) мамлакатимизга Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик доирасида олиб келинган махсус ускунада амалга оширилади. Ускуна аҳолининг хавфсиз, мунтазам, самарали ва тежамли халқаро ҳаво транспортига бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда бутун дунёда халқаро фуқаро авиациясининг хавфсиз ва режага биноан ўсишини таъминлаш масалалари билан шуғулланган ИКАО (International Civil Aviation Orga-

nization) – Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг барча стандартларига ҳамда Ўзбекистоннинг бошқа халқаро мажбуриятларига жавоб беради.

Чунончи, Президентнинг 23.06.2009 йилдаги ПФ-4117-сон Фармонида кўра Ўзбекистоннинг барча фуқаролари эски намунадаги паспортларни биометрик паспортларга алмаштириши шартлиги муносабати билан ғоят кексайган ёки имконияти чекланган баъзи фуқароларнинг паспортларни алмаштириш учун жавобгар ички ишлар органларининг бўлимида келишлари мушкуллиги муаммоси юзага келди. Натижада ички ишлар органлари пойтахтнинг қатор туманларидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда жойларга бориб шахсий биометрик маълумотларни олиш учун махсус ҳаракатдаги гуруҳлар ташкил этиптилар. Ҳозирги пайтда синовдан ўтказилаётган махсус мобил техник ускуна харид қилинди.

Дарвоқе, бундай тартибни жорий этиш фикри мазкур масала бўйича «Нор-



ма маслаҳатчи» газетасининг айрим ўқувчилари ва [norma.uz](http://norma.uz) сайтига кирувчиларнинг қатор асосли шарҳлари ҳамда таклифлари жойлаштирилганидан кейин юзага келган.

Сиз ўз муаммоингиз ҳақида ички ишлар ҳудудий бўлими/бошқармасининг кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига ҳамда яшаш жойидаги фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол)га телефон орқали хабар қилишингиз лозим. Яқин орада олдингизга ҳаракатдаги гуруҳ келади, у сизнинг биометрик маълумотларингизни олиб, уларни Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат шахслаштириш марказига юборади, кейин эса белгиланган муддатда (10 иш кунда) сиз янги паспорт олишингиз мумкин, у берилаётганда эскисини сиздан олиб қўйишади.

Маъруф УСМОНОВ,  
бош маслаҳатчимиз.

## СУД ТАНЛАНМАЙДИ

Мен Тошкентда рўйхатдан ўтганман ва яшайман, хотиним эса Чирчиқда яшайди. Вояга етмаган икки боламиз ҳозир хотиним билан бирга яшайди. Мен ажралиш учун судга ариза бермоқчиман, чунки хотиним мени тарк этди. Мен қайси судга мурожаат қила оламан: ўзим рўйхатдан ўтказилган жойдагигами ёки хотиним рўйхатдан ўтказилган жой бўйичамми? Бунда қандай ҳужжатларни тақдим этиш лозим?

Владислав Т.

– Никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризасини сиз хотинингиз рўйхатдан ўтказилган жойдаги фуқаролик ишлари бўйича судга – фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро (шаҳар) судига топширингиз керак. Мазкур талаб судга тааллуқлилигининг умумий қоидаларидан келиб чиқади, унга кўра ариза фаолият ҳудудида жавобгар доимий яшаш жойи ёки доимий машғулотга эга бўлган судга топширилади.

Бироқ ушбу қоидадан истисно бор. Никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъволар, унинг қарамоғида вояга етмаган болалар бўлса ёки ногиронлик ёхуд оғир касалланиш оқибатида унинг учун жавобгар яшайдиган жой бўйича фуқаролик ишларига доир туман, туманлараро (шаҳар) судига бориш қийинчилик туғдирса, даъвогар яшайдиган жой бўйича ҳам берилиши мумкин.



<sup>1</sup>Судларга бериладиган никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаларидан – ЭКИХнинг 50 фоизи миқдорида, такрорий никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаларидан даъвогардан ЭКИХнинг 120 фоизи миқдорида давлат божи ундирилади (ВМнинг 3.11.1994 йилдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкалари 1-бандининг «в» кичик банди).

<sup>2</sup>Олий суд Пленумининг «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида» қарори (20.07.2011 йилдаги 6-сон) 6-банди.

Судга сиз қуйидагиларни тақдим этишингиз лозим:

- 1) 3 нусхада никоҳни бекор қилиш тўғрисида даъво аризаси (суд девонхонасининг қабул қилинганлик белгиси қўйилган нусхаси сизда қолади, иккинчи нусхаси хотинингизга берилади, учинчи нусхаси унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга судга қолади);
- 2) никоҳ тузилганлиги тўғрисида гувоҳнома;
- 3) паспорт нусхаси;
- 4) сизнинг яшаш жойингиз ва хотинингиз яшаш жойида (энг яхшиси – манзиллар бюросидан) маълумотнома-лар;
- 5) болаларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари нусхалари;
- 6) давлат божи тўланганлиги тўғрисида квитанция<sup>1</sup>.

Никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризасини судга топшириш учун маҳалла қўмитаси (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарувчи бошқа органи) яраштириш комиссиясининг маълумотномаси талаб қилинмаслигига эътиборингизни қаратамиз.

Даъво аризасини сиз ўзингиз ёзишингиз мумкин – судларда уларнинг намуналари мавжуд, бироқ мен сизга яхшиси мутахассисларга мурожаат қилишни маслаҳат бераман – зеро ҳар бир ҳолат ўзига хосдир.

Шуни ҳам билиш лозимки, Оила кодексининг 39-моддасига кўра, хотинининг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр хотинининг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақи эмас. Ушбу чеклаш эр туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарига боланинг отаси сифатида ёзилмаган, бола ўлик туғилган ёки бир ёшга тўлмай вафот этган ҳолларга ҳам татбиқ этилади<sup>2</sup>.

Никоҳни бекор қилишнинг суд тартиби даъво ишини юритиш тўғрисидаги фуқаролик процессуал қонунчилиги талабларига бўйсунди, унда ишда иштирок этаётган тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари анча батафсил белгиланган.

Ахтам ҲИКМАТОВ, адвокат.

### ЎҚИНГ – ҚИЗИҚ

## ЯХШИ ОДАТ ЯХШИ-КУ, АММО...

Фикри сўралганлардан 78 фоизининг ҳаммада ҳам зарарли одатлар борлигига ишончи комил. Бироқ зарарли одатлар ҳаммаша ҳам номатлуб бўлавермас экан. Баъзан фойдали ҳам бўлар экан. Қуйидаги уч одат одам ўз ич-этини ейишига арзимади деган гаплар бор.

**КЕЧКИ ОВҚАТНИ КЕЧ ТАНОВУЛ ҚИЛИШ.** Кечки овқатингни душманингга бер деган ақида кўпчиликка маълум. Кеч соат олтидан кейин тановул қилинган ҳамма нарса одамда жир битишига сабаб бўлар экан. Аслида ошқозон-ичак йўллари тунда ҳам ишлаб туради, унинг ишловидан ўтган жамики нарса эрталабга бориб организмда батамом ҳазм бўлади дейишди физиологлар. Шу сабабли ҳам оч қорин билан ухлаш зарарлидир. Биринчидан, одам очқаб нимадир ейишни истаётган экан, уйқуси тинч бўлмайди. Иккинчидан, ошқозон-ичак йўллари, ишлов учун «хом ашё» бўлмагач, ўзини ўзи «ейиш»га тушади. Россия Тиббиёт фанлари академиясининг овқатланиш муаммолари илмий-тадқиқот институти мутахассислари шундан келиб чиқиб, ухлашдан уч соат аввал овқатланиш керак деб маслаҳат берадилар. Етишдан олдин бир стакан қатиқ ёки кефир ичиш, йогурт ёки ҳўл мева истеъмол қилиш мумкин.

**АСАБИЙЛАШИШ.** Бўлар-бўлмасга жигибийрон бўлаётганингни сезсангиз, ўзингизга буни нуқсон ёки касалликка йўлманг. АҚШдаги Стэнфорд университети олимлари қисқа муддатли асабийлашиш, жигибийрон бўлиш иммун тизим учун фойдали эканлигини исботлаб бердилар. Улар каламушларда жигига тегиш билан боғлиқ тажриба ўтказиш асносида айни шу даврда жониворларнинг иммун тизими ҳужайралари сафарбар этилиб, юқумли касалликлар билан фаол кураш олиб боришини қайд этдилар. Асабийлашиш, жаҳл чиқишга жавобан кортизол-деган гормон ишлаб чиқариш кўпаяр экан. Бу ҳол муаммони ҳал этиш йўллари топишга ёрдам бериши маълум бўлди. Аммо озгина, жиг-биг бўлиш билан мунтазам равишда асаблар таранг тортишиши бошқа-бошқа нарса деб огоҳлантиришади психологлар. Асабларнинг мудом таранг тортишишдан имкон қадар қочиб кетинг.

**ТАВАККАЛИГА ИШ ТУТИШ.** Америка Қўшма Штатларидаги тадқиқотчилар одам таваккалига иш тутаетганида унда адреналин ишлаб чиқарилади ва бу модда бутун организмни, хусусан одам миясини тобида сақлаб туради деб ҳисоблайдилар. Олимлар каламушларни икки гуруҳга бўлиб, тест синовидан ўтказдилар. Биринчи гуруҳдаги каламушлар яхшилаб боқилди, суви вақтида бериб турилди, хоҳлаганича яшашига қўйиб берилди. Иккинчи гуруҳдагилари эса баланддан итқитилди, оч қўйилди, ухлатилмади, аммо айни шу гуруҳдагилар узокроқ яшади. Лаззатланиш гормони – серотонин олиш учун кучли ҳаяжонланиш керак бўлар экан инсонга. Шу сабабли ҳам одамлар кўпинча бемаъни хатти-ҳаракатлар содир этишади, шекилли.

Хорижий матбуот материалларидан.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета  
**НОРМА МАСЛАХАТЧИ** ХУҚУҚ  
СОЛИКЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Namkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида рўйхатга олинди.  
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР  
ФАРХОД ҚУРБОНОВ  
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
100105, Тошкент ш.,  
Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1,  
Тахририят тел. 283-44-27  
Обуна бўлими тел. 200-00-30  
E-mail: gazeta@norma.uz, normapress@mail.ru  
www.norma.uz  
Нашр учун масъул:  
Ногур Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келмавермайдۇ.  
Тахририят муштарийлар билан ёзилиб туриш имкониятига эга эмас.  
«Norma маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «Norma» газеталари бирлашган тахририяти МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан таъйинланган диапозитивлар ёрдамида «TOPPRINT» МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).  
Индекс – 186 Буюртма 982 Адаги 2315. Баҳоли келишилган нархда  
Газета А3 ҳажмида, 4 шартли босма табақча чоп этилди.

Газета 2013 йил 27 майда соат 16.00 да топширилади.

ISSN 2010-5223